Эски шахар ижрокўмининг ёрдами билан ўзбек давлат труппаси ва кишлик «Турон» биноси яхши йўлга солиниб келмакдадир. Ижрокўмдан белгиланган вакилларнинг ташаббуси оркасида хозир «Турон» сахнасининг декоратсиялари учун икки рассом ишлаб турадир. Сахнанинг бошка кам-кўстлари учун яна иккита дурадгор уста солинди. Бундан сўнг сахнада кор, ёмгир ёгдириш, ой-кун чикориш, шамол, булут кўзготиш, ёруглик, коронгилик килиш учун керак бўлгон асбоблар буюртилмокдадир. Шу ишларнинг хаммаси январнинг яримларида тамом бўлгусидир.

Декоратсияларнинг кўпайиши, жихозларнинг ортиши сахнанинг тузалиши натижасида Эски шахар халки январь ойидан бошлаб гоят жиддий ва зўр санъат асарларини томоша килмокка муваккат бўладилар. Январь ойида декоратсия ва янги жихозлар билан тўла мукаммал килиниб ўйналатургон асарлар шунлардир.

7 ва 8 январда турк адибларидан Шамсиддин Сомибекнинг кадим эрон асотиридан олиб ёзгон «Коваи охангар» отли томошоси 14 январда машхур немис адиби Шиллернинг «Макр ва Мухаббат»и, 16 январда мазкур адибнинг «Босмачилар»и, 21 ва 22 январда Гози Юнуснинг Эрон асотирига оид «Заххоки Морон»и, 28 январда яна Шиллернинг «Босмачилар»и кўйилгусидир. Бу асарлар маданий миллатларнинг энг юксак сахналарида хам кўп ўйналатургон, жиддий ва огир нарсалардир. Бунларни ўйнамок, халк олдида шу кадар жиддий нарсаларни жонлантириб кўрсатмак бизнинг ёш труппамиз учун катта бир имтихон кабидир. Ўзбек труппаси шу нарсаларни ўйнамок билан ўз кучига бир кўриш (маневра) ясаб ўткан бўладир.

Ўзбек труппаси феврал ойи ва ундан сўнгги ойлар учун хам «Фарход ва Ширин», «Ёркиной», «Чин Темур ботир», «Узункулок бобо», «Шайх Санъон» каби жиддий асарларни белгиламишдир.

Ўзбек давлат труппасида — «Янги Фаргона», 1928 й. 22 октябрь.

Муваккат — матбаа хатоси бўлса керак, муваффак.

Кадим очун — кадимги дунё, антик дунё.

Шиллер (1759—1805) — немис шоири, драматурги, санъат назариётчиси. «Босмачилар» — тўгрироги, «Карокчилар» драмаси 1781 йилда, «Макр ва мухаббат» 1784 йилда ёзилган.

«Фарход ва Ширин» — Хуршид пьесаси.

«Узункулок бобо» — макола мазмунидан англашиладики, Чўлпоннинг мазкур пьесаси сахналаштирилган ёхуд шунга тайёр бўлган.

«Чин Темур ботир» — бу ўринда кайси асар назарда тутилганини аниклашга муваффак бўлмадик.